

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА ЮҚОРИ
СИФАТЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЗАРУРАТИ**

Нормуродова Зулфия Изатуллаевна

*ISFT институти Самарқанд филиали Иқтисодиёт ва ахборот
технологиялари кафедраси ассистенти.*

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим хизматлари тизимида юқори сифатли ҳамда рақобатбардош таълим тизимининг ўрни ҳамда мамлакат ривожига таъсирини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари чуқур ўрганилган. Тадқиқот ишида таълим хизматларини тақдим этишда юқори сифатли таълим хизматларини кенг жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, мамлакат иқтисодиёти, олий таълим, хизмат, сифат, рақобат, университет, таълим, тизим, интенсив ривожланиши, халқаро тажриба, мутахассис.

Кириш

Жаҳонда таълим хизматлари бозорини истиқболли соҳа сифатида тез суръатлар билан сифатли ва жадал ривожлантиришда таълим соҳасидаги интеграциялашув жараёни шароитида миллий манфатларни рўёбга чиқариш, таълим менежментини сифат ўзгаришларига монанд равишда самарали шакл ва воситалар негизида ташкил қилиш, билим олувчиларга қулай шарт-шароит яратган ҳолда мобиллик даражасини ошириш каби йўналишдаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан қуйидаги йўналишдаги тадқиқотларга устувор даражада аҳамият бериб бажарилмоқда: таълим хизматлари ривожланиш тенденциялари, олий таълим тизимида интег-рацион алоқаларни чуқурлаштириб бориш; таълим сифатини ошириш ва истиқбол мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашда олий таълимни давлатнинг тартибга солиш функциясидан



самарали фойдаланиш; таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини тўлов тизимини ижтимоийлаштириш негизда такомиллаштириш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Илмий адабиётларда таълим хизматларини рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар сифатида қараш таклиф қилинган. Масалан, А.Е.Вифлеемский ўз тадқиқотларида «таълим хизматлари – бу истеъмолчида янги билимлар, кўникмалар, шахсий фазилатларини ҳамда ишчи кучининг баҳосини ва меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи чора-тадбирлар умумлашмаси»¹ деб таъриф беради.

А.П.Панкрухиннинг фикрига кура, таълим хизматларининг бош хусусияти ўқитувчи ва тингловчининг ўзаро ижодий ҳамкорлигида намоён бўлади. Таълим хизматлари соҳасида таълим хизматларини кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнида мижоз фаол рол ўйнайди. Шу нарса ҳам муҳимки, кадрлар, ахборотлар ва бошқа айирбошлаш учун бу соҳанинг очиқлигини аниқ ифодалашни назарда тутувчи таълим хизматлари кўрсатиш ҳамкорликни устувор даражада амалга оширади ва таълим хизматлари ишлаб чиқарувчиларни рақобат самарадорлигини чегаралайди².

Россиялик олим О.А.Хашировнинг фикрига кўра, бозор таълим хизматларига талаб ва таклифни тартибга солиш функцияларини бажарувчи бозор иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Тартибга солиш мазмуни шундан иборатки, вақтнинг ҳар бир дақиқасида ўқув юртлари таълим хизматларининг таклифи миқдори ва сифати ёки мулк шакллари ва алоҳида истеъмолчилар таркиби билан мувофиқликда алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг муддатлар бўйича келишувидир³.

тадқиқотчи Д.А.Шевченконинг фикрича, «таълим хизматлари бозори бу сотувчи билан алмашиш муносабатларида чиқишга қодир бўлган

¹ Вифлеемский А.Е. Экономика образования / А.Е. Вифлеемский. – М., 2003. – 342 с.

² http://pankruhin.ru/wordpress/wp-content/uploads/2014/12/Marketing_obrazovatelnyeh_uslug.pdf

³ Хаширов О.А. Предпринимательства в сфере услуг.м СПб УЭИФ, СПб, 2010, -С.31-45.



ўзларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришга интилувчи барча потенциал истеъмолчилардир»⁴.

Д.С.Гордеева, Н.А.Дегтяреваларнинг фикрича, таълим хизматлари бозори – бу таълим хизматларини сотиб олиш ва сотиш бўйича иқтисодий субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимидир⁵.

Бошқа бир гуруҳ олимлар таълим хизматлари бозорининг механизмини ёритиб берган. Масалан, россиялик олима С.С.Шевелева ўзининг ишида таълим хизматлари бозорини хизматларни ўзлаштириш бўйича қарорларни қабул қилиш, иштирокчиларининг ўзаро мустақиллигини тавсифловчи жамиятнинг хўжалик тизими сифатида қаралади⁶.

Ватандош олимларимиздан Г.Ахунова «таълим хизматлари бозори – таълим хизматларини олди-сотди жараёнлари натижасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар соҳаси эканлигини»⁷ таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур илмий мақолада билиш назариясининг мантиқий ёндашув, индукция ва дедукция, қиёсий ва омилли таҳлил, замон ва макон, таққослаш, монографик кўзатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бутун дунёда жаҳон иқтисодиётининг интенсив ривожланиши ва рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида таълим тизими соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги стратегик соҳалардан бири сифатидаги аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. «Бугунги кунга келиб, таълим хизматлари халқаро бозорининг ҳажми 100 млрд. АҚШ долларни ташкил этмоқда. Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, «Инсон капитали» дунё

⁴ Шевченко Д.А. Маркетинговое исследование рынка образовательных услуг в России // Маркетинг в России и зарубежом. 2013. № 1. С. 25-32

⁵ Гордеева Д.С., Дегтярева Н.Г. Экономика образования. Учебное пособие. – Челябинск: Изд. «Цицеро», 2017. – С. 15.

⁶ Шевелева С.С. Открытия модел образования (синергический подход). – М.: ИПЧ «Издательство Магистр», 1997. – 48с

⁷ Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005 й. – 244 б.





миллий бойлигининг 64 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 70 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 58 фоиз, қуйи даромадли мамлакатларда 41 фоизни ташкил этмоқда»⁸. Бугунги кунда олий таълим тизимининг рақобатбардош тамойиллар асосида ривожланиши дунё тараққиётнинг етакчи омилига айланиб бориши шароитида олий таълим хизматлари рақобатбардошлигини ривожлантиришга муҳим восита сифатида қаралмоқда.

Бугунги глобаллашган ва рақамлашган дунёда олий таълим муассасалари нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсда ҳам рақобатбардош бўлиши керак. Бунинг учун таълим муассасалари юқори сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, ва талабаларни бозор эҳтиёжларига мос билим ва кўникмалар билан таъминлашга эътибор қаратиши зарур.

Олий таълимда рақобатбардошлик нимани англатади?

Рақобатбардошлик – бу олий таълим муассасасининг таълим, илмий, тарбиявий ва инновацион фаолиятда бошқаларга нисбатан устунликка эга бўлиши ва талабалар, профессор-ўқитувчилар, ҳамкорлар ва сармоядорлар учун жозибадор бўлишидир.

Асосий омиллар:

1. Сифатли таълим дастурлари

- Меҳнат бозорига мослашган;
- Компетенцияга йўналтирилган;
- Амалий машғулотлар ва лойиҳаларга бой.

2. Инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш

- E-learning платформалари;
- Гибрид таълим;
- Виртуал лабораториялар ва масофавий дарслар.

⁸<https://cyberleninka.ru/article/n/mirovoy-rynok-obrazovatelnyh-uslug-vysshey-shkoly;http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=3649>



3. Профессор-ўқитувчилар салоҳияти

- Илмий даражага эга;
- Замонавий таълим методларини билувчи;
- Халқаро тажрибага эга мутахассислар.

4. Илмий-тадқиқот ва инновациялар

- Стартап марказлари;
- Илмий журналлар, конференциялар;
- Халқаро грантлар ва лойиҳаларда иштирок.

5. Халқаро ҳамкорлик

- Қўшма дастурлар;
- Талаба ва профессорлар алмашинуви;
- Халқаро аккредитация ва рейтингларда қатнашиш.

6. Талабалар учун қулай муҳит

- Студентлар шаҳарчаси, коворкинглар, кутубхона;
- Психологик, таълимий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- Ёшлар фаолияти ва клублар.

Бутун дунёда юқори таълим сифатини тақдим этаётган университетлар ҳамда уларнинг тажрибаларини кузатар эканмиз, қуйидагилар олий таълим муассасаларини бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Булар қуйидагилар:

Сингапур Миллий Университети (NUS) - халқаро аккредитация, илмий-тадқиқот марказлари ва стартап экотизими орқали юқори рейтингга эришган.

Toshkentdagi Westminster University - Буюк Британия модели асосида таълим бериш, халқаро тан олинадиган диплом ва юқори сифат.

Таълим хизматларини ўрганишда эътибор қаратишимиз зарур бўлган муҳим жиҳатлар аввало юқори сифатли таълим хизматларидир. Бизнинг фикримизча, **“Юқори сифатли таълим хизматлари”** - бу таълим олувчи (талаба, ўқувчи)нинг билим, кўникма ва компетенцияларини самарали



шакллантиришни таъминлайдиган, замонавий стандартлар ва талабларга мос, инновацион ёндашувлар асосида ташкил этилган таълим жараёнини англатади.

Юқори сифатли таълим хизматларининг асосий белгилари

1. Педагогик мутахассислар сифатининг юқорилиги

- Илмий даражали, тажрибали ўқитувчилар;
- Модерн таълим методларидан хабардор (интерактив усуллар, STEAM, blended learning);
- Давомли малака ошириш тизимига эга.

2. Замонавий инфратузилма ва технологиялар

- АКТ воситалари (компьютер, интерактив доска, онлайн платформалар);
- Виртуал лабораториялар, электрон кутубхоналар;
- Масофавий ва гибрид таълим имкониятлари.

3. Ўқув дастурлари ва фан мазмуни

- Меҳнат бозори талабларига мослашган, амалий кўникмаларни шакллантирувчи дастурлар;
- Муганосиб назарий ва амалий билимлар;
- Компетенцияга йўналтирилган ёндашув.

4. Баҳолашнинг объектив ва шаффоф тизими

- Форматив ва сумматив баҳолаш методлари;
- Портфолио, проект ишлари, тестлар орқали билимни баҳолаш;
- Таълим олувчининг фаол иштирокини таъминлаш.

5. Мижозларга (талабаларга) йўналтирилган ёндашув

- Индивидуал таълим траекторияси;
- Менторлик ва репетиторлик хизмати;
- Ўқишдан ташқари фаолиятларнинг кенг қамровлилиги.

1-жадвал



Юқори сифатли таълим хизматлари турлари ва уларнинг аҳамияти

Т.р	Йўналиш	Аҳамияти
1.	Иқтисодий ривожланиш	Малакали кадрлар иқтисодиётнинг асосий таянчи бўлади
2.	Инновация	Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга ҳисса қўшади
3.	Жамият тараққиёти	Фуқаролик онгини шакллантиради, ижтимоий барқарорликни таъминлайди
4.	Шахсий ривожланиш	Таълим олувчининг шахсий ва касбий ўсишига туртки беради

1-жадвал маълумотларини куришиб турибдики, таълим хизматлари кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича аҳамиятли жиҳатларини инобатга олган ҳола ривожлантириб борилса, кутилган натижага эришилади.

Хулоса

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, сифатли ҳамда рақобатбардош таълим тизимини жорий этиш учун қуйидаги тавсияларни инобатга олишимиз зарур деб ҳисоблаймиз.

1. **Ўқитувчи салоҳиятини ошириш** - малакали кадрларни тайёрлаш ва рағбатлантириш.
2. **Инновацион технологияларни жорий этиш** - рақамли таълим воситалари, AI ва VR/AR имкониятларидан фойдаланиш.
3. **Таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси** - таълим муассасалари ва корхоналар ҳамкорлигини кучайтириш.



4. **Аккредитация ва ички назорат** - таълим сифатини баҳолаш ва мунтазам такомиллаштириш.

5. **Талабалар фикрини инобатга олиш** - таълим жараёнини мижоз (талаба) марказли қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вифлеемский А.Е. Экономика образования / А.Е. Вифлеемский. – М., 2003. – 342 с.
2. Хаширов О.А. Предпринимательства в сфере услуг.м Спб УЭИф, Спб, 2010, -С.31-45.
3. Шевченко Д.А. Маркетинговое исследование рынка образовательных услуг в России // Маркетинг в России и зарубежом. 2013. № 1. С.25-32
4. Гордеева Д.С., Дектярева Н.Г. Экономика образования. Учебное пособие. – Челябинск: Изд. «Цицеро», 2017. – С. 15.
5. Шевелева С.С. Открытия модел образования (синергический подход).- М.: ИПЧ “Издательство Магистр”, 1997.-48 с
6. Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.-Т.: Иқтисод-Молия, 2005 й.-244 б.